

А Ж Р И М

2024 йил апрель ойининг 26 куни жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, О.Абдурасуловнинг раислигида, А.Эшмўминовнинг котиблигида, томонлардан Термиз шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси М.Кенжаевнинг иштирокида, Жумаев Қудрат Тошпулатовичга нисбатан тайинланган жаримани бошқа турдаги жазога алмаштириш тўғрисидаги мажбурий ижро бюроси Термиз шаҳар бўлимининг тақдимномасини 1-1902-2301/105-сонли иш ҳужжати билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 30 октябрдаги ажрими билан жиноят ишлари бўйича Термиз туман судининг 2023 йил 17 октябрдаги ҳукми ўзгартирилиб,

Жумаев Қудрат Тошпулатович, 18.01.1960 йилда Термиз туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, “Қудрат-Бибисоч” оилавий корхонаси раҳбари, муқаддам судланган, Термиз шаҳар “А.Навоий” маҳалласи, Қирққиз кўчаси, 30-уйда яшовчига нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 2-қисми «б» банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 баравари миқдорида яъни 12.250.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар судининг 2024 йил 23 февралдаги ажрими билан МИБ Термиз шаҳар бўлимининг тақдимномаси рад қилиниб, маҳкум Қ.Жумаевга 12.250.000 сўм жарима суммасини тўлаш учун 1 ойлик муддат белгиланган бўлса-да, маҳкум томонидан ушбу муддат давомида жарима суммаси тўланмаган.

Мажбурий ижро бюроси Термиз шаҳар бўлими судга тақдимнома билан мурожаат қилиб, маҳкум Жумаев Қудрат Тошпулатовични ҳозирги кунга қадар тайинланган жариманинг тўламагани ва унинг эҳтиёжидан ортиқча мол-мулки йўқлиги сабабли унга нисбатан тайинланган ва ўталмаган жаримани бошқа турдаги жазога алмаштиришни сўралган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 44-моддасида агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатлар мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини мажбурий жамоат ишлари,



ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштириши, бундай ҳолда мажбурий жамоат ишларининг икки ярим соати энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, тўрт юз саксон соатдан кўп бўлмаган муддатга, ахлоқ тузатиш ишларининг, хизмат бўйича чеклашнинг, озодликни чеклашнинг ёки озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланиши белгиланган.

Суд тўпланган ҳужжатлар билан танишиб чиқиб, прокурор катта ёрдамчиси М.Кенжаевнинг тақдимномани қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, Қ.Жумаев жариманинг ихтиёрий ва мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товлаб келаётганлигини инобатга олиб, унга нисбатан тайинланган ва тўланмаган жарима жазосини озодликни чеклаш жазосига алмаштиришни, шунингдек, белгиланган жарима миқдорини ҳукм чиқариш пайтида амалда бўлган базавий ҳисоблаш миқдоридан келиб чиққан ҳолда ҳисоблашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 541-542, 423-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Тақдимнома қаноатлантирилсин.

Сурхондарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси судининг 2023 йил 30 октябрдаги ажрими билан Жумаев Қудрат Тошпулатовичга тайинланган ва ундирилмаган 12.250.000 сўм жарима суммаси Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 44-моддасига асосан, яшаш уйи, сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 21⁰⁰ дан эрталаб соат 06⁰⁰га қадар яшаш жойи Термиз шаҳар “А.Навоий” маҳалласи, Қирққиз кўчаси, 30-уйдан чиқиши тақиқланган ҳолда 2 (икки) ой 9 (тўққиз) кун озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Қ.Жумаевнинг зиммасига:

- ресторан, кафе, бар, клуб ва дискотекаларга бормаслик;
- алкогольли ичимликлар истеъмол қилмаслик;
- Пробация гуруҳининг розилигисиз яшаш жойи ва иш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Термиз шаҳри ҳудудидан ташқари чиқмаслик каби таъқиқ (чеклаш) лар юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг ўташ муддати суд ажрими Термиз шаҳар ИИО Пробация гуруҳида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ажрим ижро қилиш учун Термиз шаҳар ИИБ бошлиғига ва маълумот учун мажбурий ижро бюроси Термиз шаҳар бўлимига юборилсин.

Ажримдан норози томон 10 кунлик муддат ичида хусусий шикоят, прокурор эса хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи

О.Абдурасулов



Хужжат имзаланган: Абдурасулов Ойбек Қўлдошевич, 29.04.2024



Хужжат имзоланган: Абдурасулов Ойбек Қўлдошевич, 29.04.2024

